O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 10 апрель, шанба • №30 (11.625) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН-ЛАТВИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН УФҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7-8 апрель кунлари давлат ташрифи билан Латвия Республикасида бўлди

Ўзбекистон ва Латвия муносабатлари ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳамкорлик ва бирдамлик асосига қурилган, десак, адашмаймиз.

Латвияда истиқлол йўлидаги илк ҳаракатлар бошланган кезлари Ўзбекистон раҳбари бу уринишларни қўллаб-қувватлаган эди. Мустақил Латвия ўз сиёсий ва ҳарбий доктринасини белгилаганида ҳам Ўзбекистон қатъий равишда унинг тарафида турди. Зеро, Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, ҳар бир мамлакат миллий мудофаа ва ташқи сиёсат стратегиясини ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзи белгилаши керак.

Латвия яқинда НАТОга қўшилди. Бу жараённи холис кузатган киши Латвия ўз суверенитетини мустаҳкамлаш учун НАТО сафидан жой олганига амин бўлади.

Сиёсий соҳада Ўзбекистон ва Латвиянинг нуқтаи назари, қарашлари, халқаро муаммоларга муносабати ва ёндашувлари бир хил ёки яқин. Латвия Президенти Вайра Вике-Фрейберга хоним таъкидлаганидек, халқларимизни тарихий синовлар ва олдимизда турган вазифаларнинг муштараклиги бир-бирига боғлаб туради.

Ислом Каримов билан тор доирадаги суҳбат чоғида ҳам, кейинчалик бўлган учрашувларда ҳам Латвия Президенти ўз мамлакатининг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш истагида эканлигини таъкидлади. Халқларимизнинг тарихи жаҳон савдо йўлларининг тараққиёти билан узвий боғлиқ. Бугун мамлакатларимиз келгуси авлодлар ўтмишдаги қийинчиликларга дуч келмаслиги учун халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилмоқда, савдони ривожлантирмоқда. Латвия стратегик мақсадлари йўлида қанчалик қатъий ҳаракат қилмасин, ишончли дўст ва ҳамкорларсиз уларга эришиши амри маҳол. Бундай мамлакатлар орасида бизни аввалбошдан қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон ҳам бор, деди В.Вике-Фрейберга.

Латвия билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарблиги иқтисодий асосга ҳам эга. Шу йил май ойида мамлакат Европа Иттифоқи сафидан жой олади. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, Латвия дунё халқларининг Европа оиласига қайта қўшилади. Бунинг негизида мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини жадаллаштириш мақсади мужассам. Ўзбекистон учун эса Европа оиласига йўл янада яқинлашади ва ҳамкорлик учун янги-янги имкониятлар вужудга келади.

Мамлакатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб юритган сиёсати самараси туфайли Ўзбекистон ўз вақтида Латвия ва умуман Болтиқбўйи давлатларининг мустақиллигини қўллаб-қувватлади. Бундай сиёсат самараси ўлароқ мазкур мамлакатлар билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Юк ташиш соҳасининг ўзи бунга яхши мисол бўла олади. Ўзбекистон Ғарбга экспорт қилаётган маҳсулотларини Болтиқбўйи, асосан, Латвия бандаргоҳлари орқали жўнатади.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи муҳокама қилинди, ҳамкорлик бугунги вазият, ҳозирги шарт-шароит нуқтаи назаридан яна бир карра кўриб чиқилди. Ўзаро савдо ҳажми ўтган йили 106 миллион АҚШ долларидан ошди. Бу 1998 йилдаги кўрсаткичдан 60 фоиз кўп. Йиллик ўсиш суръати 6-8 фоизни ташкил этмоқда. Лекин бу чегара эмас. Латвияда дунёга танилган саноат корхоналари кўп. Мебелсозлик, қандолатчилик, тўқимачилик каби соҳаларда қўшма корхоналарни янада кўпайтириш мумкин. Ўзбекистон билан Латвия ўртасида товарлар ва хизматлар айирбошлаш учун қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Бироқ бир-биримизга юқори имтиёзли бозор яратишимиз учун ҳали талай ишлар қилиниши керак.

Музокарада бевосита минтақалараро ҳамкорликнинг имкониятларини кенгайтириш масалалари ҳам кўрилди. Тошкент ва Риганинг ўзаро алоқаси расмийлаштирилгани бу йўналишдаги ижобий натижалардан бири бўлди. Сентябрь ойида Рига ишбилармон доираларининг делегацияси Тошкентга келиши кутилмоқда.

Икки мамлакат ўртасида кимё, озиқ-овқат саноати, машинасозлик маҳсулотлари айирбошланади. Лекин иқтисодиёт соҳаси мутасаддилари бу рўйхатни анча кенгайтириш мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, Латвияда талаб катта бўлган маҳсулотлар Ўзбекистонда кўп. Булар – газлама ва калава, нефт, мева-сабзавот ва қайта ишланган полиз маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва ҳоказо.

Латвия қатор маҳсулотларимизнинг Европага экспортчиси саналади. Шуни ҳисобга олганда Ўзбекистон Латвия компанияларининг, юқорида қайд этилганлардан ташқари, фармацевтика, енгил саноат, транспорт инфратузилмаси, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги лойиҳаларда ҳам иштирок этишининг тарафдори.

Музокараларда илм-фан, маданият, спорт, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорлигимизни кенгайтириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди.

Ташриф асносида Ўзбекистон-Латвия муносабатларининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди. Шу чоққача мавжуд ҳукуматлараро ва идоралараро 31 келишув қаторига яна бешта янги ҳужжат қўшилди. Ўзбекистон ва Латвия ўртасида консуллик конвенцияси, ноқонуний яшаб юрган шахсларни қайта қабул қилиш, Тошкент ва Рига шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик, Ўзбекистон Олий Мажлисининг инсон

(Давоми 2-бетда).

БУЮК БОБОМИЗГА ЭҲТИРОМ

Истиқлол йилларида кўплаб буюк аждодларимизнинг номлари тикланиб, тавалуд саналари нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида кенг нишонланди. Бу яхши анъана давом этмоқда. Миллий ғуруримизнинг янада юксалишида, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимизни топишимизда буюк бобомиз Амир Темурнинг ўрни беқиёс.

9 апрель куни эрта тонгданоқ пойтахтимиздаги ул зотнинг номи билан аталувчи сўлим хиёбон жамоатчилик вакиллари, зиёлилар, талабалар билан гавжум бўлди. Тантанали маросим қатнашчилари Соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев қатнашди.

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида Амир Темурнинг 668 йиллигига бағишланган "Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз" мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов очди.

Анжуманда истиқлолнинг илк йиллариданоқ Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрнини, фаолиятини ўрганиш ва оммалаштиришга катта аҳамият бериб келинаётгани таъкидланди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Амир Темур ҳайкали ўрнатилди. "Амир Темур" ордени таъсис этилиб, Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси ташкил қилинди.

Мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари қўяётган ҳар бир қадамида миллатимизнинг фахри ва ифтихори Соҳибқироннинг руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб келмоқда. Бунинг боиси – ул зотнинг бутун фаолияти миллатнинг бирлиги, юрт озодлиги, мамлакат фаровонлиги учун кураш тимсолига айланганидадир. Соҳибқирон ўз фаолиятида эзгулик ва яхшиликка, меҳр ва мурувват, тинчлик ва осойишталик ҳамда бунёдкорликка қатъий амал қилган.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

«ТОШКЕНТ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Вилоятимизда халқ хўжалигининг барча тармоқларини, айниқса, инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан кенг қамровли дастурлар ишлаб чиқилди ва уларни амалга оширишга киришилди. Улардан кўзланган мақсад халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ҳар томонлама қулайликлар яратишдир. Вилоятда халқ хўжалигини, фуқаролар хонадонларини электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш борасида ҳам қатор чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

(Давоми 3-бетда).

ТЕРРОРЧИЛАР АЛБАТТА ЖАЗОСИНИ ОЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун брифинг бўлиб ўтди. Унда журналистлар март ойининг охирги кунларида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида рўй берган террорчилик ҳаракатлари юзасидан қўзғатилган жиноий иш бўйича олиб борилаётган қидирув ишлари билан таништирилди. Брифингни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров ўтказди.

(Давоми 2-бетда).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!
Эслатиб ўтамиз: Обуна давом этмоқда
Бизнинг индекс – 205.

ЎЗБЕКИСТОН-ЛАТВИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН УФҚЛАРИ

ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Латвиянинг Инсон ҳуқуқлари бўйича давлат бюроси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Латвиянинг "Парекс" банки ўртасидаги ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бу билан Шенген зонасига кирувчи Латвия билан борди-келди қилиш тартибга солинди, икки мамлакат пойтахтларининг бевосита алоқасига кенг йўл очилди, сармоядорларнинг янада кенгроқ мулоқоти учун қўшимча имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон раҳбари Латвия Сейми (парламент) раиси Ингрида Удре хоним, бош вазир Индулис Эмсис, Рига думаси раиси Гундарс Боярс билан учрашди. Ушбу музокараларда асосий эътибор ўзаро муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш масалаларига қаратилди. Латвия Сейми ҳузурида "Ўзбекистон-Латвия дўстлиги ва ҳамкорлиги" гуруҳи фаолият кўрсатади. Сейм раиси билан қонун чиқариш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш масалалари муҳокама этилди. Бош вазир билан мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий муносабатлари, Рига мэри билан пойтахтлар ҳамкорлиги борасида фикр алмашилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Латвияга ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири Рига марказидаги "Кронвольда" боғида Мирзо Улуғбек ҳайкалининг очилиши бўлди. Бу латишларнинг Ўзбекистон миллий-маданий ва илмий меросига катта эҳтиромидан далолатдир. Ислом Каримов шу воқеа муносабати билан ўтказилган маросимдаги нутқида буюк бобомиз Мирзо Улуғбек ҳайкали Ўзбекистон ва Латвия дўстлигининг рамзи бўлиб қолишини таъкидлади.

Президентимиз самолёти Рига аэропортига қўнганида ер нам, лекин ҳаво очиқ эди. Яқиндагина ёмғир ёққани сезилиб турарди. Эртаси куни – Мирзо Улуғбек ҳайкали очилган чоғда қуёш чарақлаб турди. Ислом Каримов маросимдаги нутқида мусаффо осмонга ишора қилиб, ёруғ юз ва яхши ният билан келганимизни осмон ва табиат ҳам тасдиқлаб турибди, деди.

Ригада Президентимизга Халқаро мукофотлар жамғармасининг "Мўъжизакор Николай" ордени тақдим этилди. ЮНЕСКО ҳамкорлигида Украина, Швеция, Италия томонидан таъсис этилган, турли халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштириладиган мазкур жамғармага Италия тиббиётининг фахрий доктори Константин Бобришчев раҳбарлик қилади. "Мўъжизакор Николай" ордени тинчликни мустаҳкамлашда, халқлар фаровонлиги йўлида катта хизмат кўрсатган шахсларга берилади. Шу чоққача ушбу орден билан Тереза момо, Иоанн Павел Иккинчи, Кофи Аннан, Гелмут Кол, Леонид Кучма каби таниқли арбоблар тақдирланган.

К.Бобришчев орденни топшираркан, Ислом Каримов халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги улкан хизматлари учун жамғарма кенгаши томонидан шу мукофотга сазовор топилганини таъкидлади. У Ўзбекистон раҳбари ўз мамлакатида 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилгани ибратли воқеа эканлигини алоҳида қайд этди.

Президент Ислом Каримовнинг Латвияга давлат ташрифи истиқболдаги кўплаб хайрли ишларга кенг йўл очди. Латвия матбуотида "Президент Каримов доим Латвия мустақиллиги тарафдори бўлган", деган жумлани кўп учратдик. Буларнинг барчаси ўзаро хайрихоҳликдан, ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга кучли иштиёқдан ва мамлакатимиз раҳбари истиқлолни мустаҳкамлаш борасида қатъият билан юритаётган изчил сиёсатдан далолатдир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Рига-Тошкент.

Хафталик давом эттмоқда

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

Илгари хабар қилинганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодиёт Комиссияси котибияти томонидан жорий йил 5 апрелдан 11 апрелга қадар "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳафталиги"ни ўтказишга оид қарор қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ мамлакатимиз миқёсида ҳафталикни самарали ўтказиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар белгилаб олинди. Тадбирга ички ишлар идоралари, жумладан, Даъват йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари кенг жалб этилди. Улар маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлиги комиссиялари билан ҳамкорликда ҳафталикнинг моҳияти ҳақида идора ва ташкилотлар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида, маҳаллаларда кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб бориб, суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Биргина Тошкент тумани йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари бундай тадбирларни Келес йўловчи ташиш автосаройи, сув жамғариш автокорхонасида, шунингдек, «Ўзбекистон», Охунбобоев, Ғ. Умаров, Т. Мирзаев номли ширкат хўжаликлари ҳайдовчилари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида уюштирдилар.

СУРАТДА: *Тошкент тумани ИИБ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмасининг суриштирув-қидирув нозири Акром Раҳимбоев ҳайдовчилар орасида тарғибот ишлари олиб бормоқда.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

Мардлар қўриқлайди Ватанни

ТАНТАНАЛИ КУЗАТИЛДИ ВА КУТИБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 мартдаги «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда армия хизматини ўтаб бўлган аскарларни тантанали вазиятда кузатиш ва кутиб олишга бағишланган маросимлар бошланди.

Тошкент ҳарбий аэродромида Фарғона водийсидан чақирилган, пойтахтдаги ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларни кузатиш маросими бўлди. Улар Фарғонада тантанали равишда кутиб олинди. Бу ердан эса Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида жойлашган ҳарбий қисмларда хизматини адо этган Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан келган аскарлар пойтахтга йўл олди.

— Бизни мана шундай шодиёна билан кузатишларини. ҳеч ўйламагандим, — дейди фарғоналик аскар Саиджалол Қаюмов. — Яна бир яхши томони эса, мен бир неча дақиқалардан сўнг ота-онам бағрида бўламан. Хизматим мобайнида Ватан тушунчаси мазмунини чуқур тушуниб етдим.

Аэродромдаги йиғилишда давлат ва жамоат ташкилотлари, Мудофаа вазирлиги, Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг масъул ходимлари, ота-оналар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова, мудофаа вазири ўринбосари М.Аҳмедов, Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари О.Мусурмонова ва бошқалар ҳарбий хизматчиларни Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчларини муваффақиятли адо этганлиги билан қизғин табриклади.

Тадбирда армия хизматини аъло даражада ўтаган ҳарбий хизматчиларга мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига кириш учун тегишли имтиёзлар кўзда тутилган тавсияномалар топширилди.

Камолиддин АСҚАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.
СУРАТДА: *тантанали маросимдан лавҳа.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

ТЕРРОРЧИЛАР АЛБАТТА ЖАЗОСИНИ ОЛАДИ

Таъкидландики, тезкор-қидирув ва тергов гуруҳларининг қатъий ва мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлари натижасида қисқа муддатда террорчилик ҳаракатларини амалга оширишга дахлдор террорчиларнинг асосий қисми аниқланган ва йўқ қилинган. Мингдан ортиқ тергов тадбирлари ўтказилган, 700 нафардан ортиқ гувоҳ ва жабрланган киши сўроқ қилинган. Террорчилик ҳаракатларига дахлдорликда гумон қилинган 54 киши қўлга олинган. Шундан 45 нафарига, уларнинг орасида 15 нафари хотин-қиз, айблов эълон қилиниб, ҳибсга олинган. Қолганларининг ушбу жиноятларга алоқадорлиги текширилмоқда, деди бош прокурор.

Ҳалоқ бўлган 30 террорчининг шахси аниқланган. Қолганларининг шахси эса ДНК эксперт текширувлари ўтказиш орқали аниқланмоқда.

Воқеа содир бўлган жойларни текшириш ва тинтув ишларини ўтказиш чоғида жиноятчилардан кўплаб ўқотар қуроллар ва ўқ-дорилар, қўлда тайёрланган портловчи мосламалар, уларни тайёрлашда ишлатиладиган таркибий қисмлар ва қўлланмалар, диний адабиёт ва варақалар, сохта ҳужжатлар, шунингдек, бошқа ашёвий далиллар топилган.

Олинган барча ашёвий далиллар бўйича суд экспертизалари ўтказилмоқда.

Масалан, портлаш-техник экспертизаларининг дастлабки хулосасига кўра, портловчи мосламалар қўлбола ҳисобланиб, уй шароитида ёрдамчи материаллардан тайёрланган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Экспертизалар шуни кўрсатдики, террорчилардан топилган "Калашников" автоматлари, пистолетлар ва бошқа қуроллар, шунингдек, ўқ-дорилар ишлатишга яроқли бўлган. Қуролларни текшириш чоғида аниқландики, жиноятчилар томонидан милиционерлардан тортиб олинган учта пистолетдан ташқари бошқа барча қурол-аслаҳа Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги органлари бўлимлари ҳисобида қайд этилмаган. Бу қуролларнинг келиб чиқиши ва олинган жойи аниқланмоқда.

Текширув чоғида маълум бўлдики, 2000 йилдан бошлаб Тошкент шаҳри, Бухоро ва Тошкент вилоятларида террорчиликнинг хавфли диний-экстремистик турига киритиш мумкин бўлган бир қанча "жамоат" гуруҳлари ҳаракат қилган.

"Жамоат" аъзоларига ўзларининг мафкурасини сингдириш учун яширин ҳолда чиқарилган кўплаб аудио, видео ва матбаа маҳсулотлари, лазерли дисклардан кенг фойдаланилган. Уларнинг мазмун-моҳияти аниқланганда, маълум бўлдики, бу маҳсулотларда конституциявий тузумни куч билан ағдариш, келажакда "Халифалик" ташкил қилиш мақсадида ислом давлати тузишга оид ғоялар тарғиб қилинган.

Жиноий ташкилот бошлиғи Ўзбекистондан ташқарида туриб, "жамоат"лар фаолияти ва уларнинг халқаро экстремистик ташкилотлар билан алоқаларига, ушбу гуруҳларнинг махсус лагерларда жанговар тайёргарликдан ўтишини молиялаш ҳамда таъминлашга умумий раҳбарлик қилган ва мувофиқлаштириб турган.

Р.Қодиров таъкидладики, ҳибсга олинганларнинг уларни қўпорувчилик лагерларида ўқитиш ва жанговар ҳозирлигини "Ал-Қоида" жангариларини тайёрлаган араб инструкторлари олиб борганлиги ҳақидаги кўрсатмалари бор.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан муқаддам диний-экстремистик оқимлар билан алоқада бўлганлиги туфайли профилактик ҳисобда турган шахсларнинг ушбу террорчилик ҳаракатларига алоқадорлигини аниқлаш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ушбу асосларга кўра, ички ишлар органларига 412 киши олиб келинган. Улардан террорчилик ҳаракатларига дахлдорликда гумон қилинган 9 киши қўлга олинган, қолганлари жиноятларга алоқадорлиги тасдиқланмагани сабабли уйларига қўйиб юборилган.

Ушбу иш бўйича тергов давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигидаги Ҳукумат комиссияси ва жойлардаги комиссиялар томонидан вазиятни янада барқарорлаштириш мақсадида бундай террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш ҳамда аҳоли ўртасида ҳушёрликни оширишга қаратилган қатъий профилактика чоратадбирлари кўрилмоқда.

(ЎзА).

«ТОШКЕНТ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

«Тошкент электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси М.М. Комилов билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Мирвосит Маҳмудович, сиз раҳбарлик қилаётган корхона жамоасининг вазифалари, шу кунлардаги ишлари, истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашнинг аҳволи ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— «Тошкент электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятимиз шаҳар ва туманлар халқ хўжалигини электр энергияси билан таъминловчи ягона корхона ҳисобланади. Вилоятимиздаги мавжуд барча саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, муассасалар жамоамиз хизматидан фойдаланадилар. Уларнинг бир маромда ишлаши, хонадонларнинг чароғон, тунларимизнинг нурафшон бўлиши бизнинг меҳнатимизга боғлиқ. Бу нурчиларимиз зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юклайди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар куни истеъмолчиларга 19-20 миллион киловатт-соат нур етказиб берямиз, қишли-қировли кунларда эса бу рақам яна икки-уч миллион киловатт-соатгача ортади. Халқ хўжалигининг ривожланиши, бунёдкорлик ишларининг кенгайиши, айниқса, янги турар жойларнинг барпо этилиши нурчиларимиз олдидаги вазифаларнинг янада ортишига сабаб бўлмоқда. Уларни электр энергияси билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш учун тинимсиз ишлашга тўғри келмоқда. Бунинг устига бундан 40 йил илгари барпо этилган, хизмат кўрсатадиган истеъмолчиларнинг салоҳияти ва сони жиҳатидан республикада олдинги ўринларнинг бирини эгаллаб турган корхонамизда фойдаланилаётган асбоб-ускуналар анча эскириб қолган, кўпчилиги тўла ва жорий таъмирлашга муҳтож. Уларни қайта тиклаш, таъмирлаш тизимни ривожлантиришда муҳим ва устувор йўналишлардан бири бўлиб қолди.

— Шундай экан, бу мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ҳозирги вақтгача қилинган ишлар нималардан иборат бўлди?

— Корхона акциядорлик жамиятига айлантирилгандан кейин мутасадди ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда ички ва ташқи имкониятлардан фойдаланиб, қатор чора-тадбирлар кўрилди. Асбоб-ускуналарни, электр узатиш линияларини таъмирлаш, уларни янгилари билан алмаштиришга қаратилган ишлар кўлами кенгайди. Истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш борасида 0,4 кв. кучланишли ҳаво тармоқларида 700 дона ҳамда 6-10 кв. кучланишли шундай тармоқларда 1800 дона яроқсиз таянчлар янги темир-бетон таянчлар билан алмаштирилди. Ушбу тармоқларда 8600 дона изоляторлар янгиланди. Бундан ташқари, 107 километр электр узатувчи линиялар қурилди, 2002-2003 йилларда жорий ва тўлиқ таъмирлаш ишларининг бажарилиши учун 575 миллион сўм сарфланди. Бундан ташқари, вилоятда электр энергия таъминотини яхшилаш мақсадида 2004-2008 йилларга мўлжалланган режага асосан бу йил 1400 дан ортиқ ёғоч таянчлари, 73 километр узунликдаги эскирган линияларни, 41 та тармоқ трансформаторларини қувватлилари билан алмаштириш, 149 та трансформатор пунктларини тўла таъмирлаш назарда тутилган. Жамоамиз шу даврда якка тартибда қурилган уйжойларни электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш юзасидан 179,1 миллион сўмлик ишларни бажарди. Шу туфайли 4,04 километр узунликдаги 10 кв., 17,04 километр узунликдаги 0,4 кв. ҳаво линиялари фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 17 та трансформатор пункти ишга туширилди.

Ҳозирги кун талаблари тобора кучайиб бормоқда. Бу хизмат кўрсатишни кенгайтириш ва сифатини тинмай яхшилаш муаммоларини кўндаланг қилиб қўймоқда. Айниқса, буни якка тартибда қурилган уй-жойларни нур билан таъминлашда кўриш мумкин. Шунинг учун бу масалага алоҳида эътибор қилиш зарур бўлиб қолди. 2004-2006 йилларда вилоятда якка тартибда қурилган уй-жойларни электр энергияси билан таъминлашни яхшилашга қаратилган дастур ишлаб чиқилди. У вилоят ҳокимлиги ҳамда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раҳбарлиги томонидан тасдиқланди ва вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг муҳим соҳаларидан бири қилиб белгиланди.

— Дастурнинг моҳияти ва аҳамияти, унда белгиланган вазифа ҳамда уни амалга ошириш муддатлари, назарда тутилган режалар ҳақида батафсил тўхталсангиз.

— Дастур фаолиятимизда катта воқеа бўлди, дейиш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, вилоят ҳокимлиги ва «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси уни амалга оширишда жамоамизга яқиндан ёрдам беришади. 2004-2006 йилларга мўлжалланган бу дастурда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар аниқ белгилаб қўйилган.

Чунончи, жорий йилда 3 миллиард 415 миллион сўм капитал сармоя ўзлаштирилиши лозим. Бу маблағ эвазига вилоят бўйича 150 та ҳар хил қувватли трансформатор пунктлари ўрнатилади. Шу билан бирга 380 километрдан ортиқ турли кучланишли ҳаво линияларини қуриш назарда тутилган. 2005 йилда эса таъмирлаш ва янгилаш ишлари ҳажми анча ортади. Салкам 4 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилиб, 155 та турли қувватли трансформаторлар, 400 километр узунликдаги ҳаво линиялари ишга туширилади. Бунёдкорлик ишлари 2006 йилда ҳам давом эттирилиб, 80 тадан ортиқ трансформатор пунктлари, деярли 200 километр узунликдаги ҳаво электр узатиш линиялари бунёд этилади.

— Кўриниб турибдики, режалар ҳажми анча катта. Уларни муваффақиятли амалга ошириш учун эса, биринчи навбатда маблағ керак. Уни қайси манбалардан олиш назарда тутилган.

— Бу масалада вилоят ҳокимлиги жамоамизга қатор имтиёзлар яратиб берди. Махсус қарор билан очиқ акциядорлик жамиятимиз 2004 йил 1 апрелидан 31 декабргача мол-мулк, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқларидан озод этилди. Бу 455 миллион сўмни тежаш имконини беради. Шунингдек, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан шу мақсадга қаратилган маблағ ажратилиши керак. Дастурда белгиланган чора-тадбирларни тўла амалга ошириш учун лозим бўлган пул маблағларининг асосий қисмини биз етказиб бераётган электр энергиясидан фойдаланаётган фуқаролар, жамоалар, корхоналар томонидан энергетикларимиз кўрсатаётган хизматлар учун тўланадиган тўловлар ташкил этади.

Шу ўринда бир масалани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Гап шундаки, сарфланган электр энергияси учун ҳақларнинг вақтида тўланмаётгани электр тармоқларини такомиллаштириш, таъмирлаш ва янгиларини қуришда асосий тўсиқ ва муаммо бўлиб турибди. Бугунги кунда дебиторлик қарзлари ҳам жуда катта маблағни ташкил этмоқда. Фуқаролар орасида ҳам нур ҳақини вақтида тўламаётганлар кўпчиликни ташкил этади.

Электр энергияси тўхтовсиз ва сифатли етказиб турилишидан манфаатдор бўлган жамоалар ва фуқаролар унинг ҳақини ҳам вақтида тўлаб боришса айни муддао бўларди. Бу билан дастурда белгиланган барча вазифалар муваффақиятли бажарилишига ҳисса қўшган бўлардилар.

Шундай қилиб, вилоятимиз халқ хўжалигини, айниқса, якка тартибдаги уй-жойларни электр энергияси билан барқарор таъминлашда янги босқич бошланди.

Суҳбатдош Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҚОЗОНИ АЛОҲИДА

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида минглаб кўпқаватли, кўпхонадонли турар-жойлар бор. 1991 йилгача қурилган бу уйларнинг аксариятида муҳандислик тармоқлари, айниқса, иситиш мосламалари эскирган. Уларни қайта қуриш катта маблағ талаб қилади.

Уй эгалари ширкатларининг ҳаммасида ҳам бунинг учун зарур сармоя топилавермайди. Шунинг учун ҳозир кўпқаватли уйларни марказлашган тармоқ орқали эмас, балки алоҳида-алоҳида иситиш маъқул деб ҳисобланмоқда.

Мутахассислар фикрига кўра, бу анча арзонга тушади. Фақат шунга мос иситиш қозони яратилса, бас. Бу муаммони Чирчиқдаги «Ҳаракат плюс» хусусий кичик корхонаси ҳал қилди. Ҳозир бу ерда сувни иситиш қозонлари ишлаб чиқарилмоқда. У тайёрлаётган маҳсулоти тури бўйича республикада ягона ҳисобланади.

Корхона ҳозиргача буюртмага қараб йигирмадан ортиқ шундай мосламаларни ишлаб чиқарди. Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларидаги кўпқаватли уйларга ўрнатилган бундай қозонхоналар уларда истиқомат қилувчиларнинг қиш кунлари ташвишсиз яшашига ёрдам берди.

Ўз мухбиримиз.

«ТЕЗКОР» ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Мамлакатимиздаги соғлом молиявий рақобат муҳити тижорат банклари томонидан мижозларни жалб этишнинг янгидан-янги усулларини қўллашга ундамоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки жисмоний шахсларга мамлакат ичкарисида филиаллараро зудлик билан пул жўнатиш имконини берадиган "Тезкор" хизмат турини жорий этди.

Унга биноан мижозлар ўзининг миллий валютадаги пулини юртимизнинг исталган ҳудудига шу заҳоти етказиб бериш имконига эга бўлди. Халқ банкининг 204 бўлими шу усулда икки ҳафта мобайнида уч юздан зиёд жисмоний шахснинг икки миллион сўмдан зиёд пулини тегишли манзилга етказиб берди.

"Тезкор" хизмат тури ота-оналарнинг ўз йигитлик бурчини ўтаётган ёки олисда таълим олаётган фарзандларига, оиласидан узоқда меҳнат қилаётганлар эса ўз оилаларига пул жўнатишида айниқса қўл келмоқда.

Лазиз РАҲМАТОВ, ЎзА мухбири.

Dushanba 12

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Таҳлилнома"
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Ҳужжатли телесериал.
9.40 "Сиҳат-саломатлик".
10.00. 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.55,14.35 ТВ анонс.
12.05 "Кўрсатувдан-кўрсатувгача".
12.25 "Дастурхон атрофида".
12.40, 16.55 ТВ клип.
12.50 "Ёз ифори". Телесериал.
14.10 "Ободлик кўнгилдадир".
14.40 Кундузги сеанс: "Шерлок Холмс ва доктор Ватсон". Бадиий фильм. 5-қисм.
15.55 "Ҳунарманд".
16.15 "Барчинойнинг шартлари".
"Болалар сайёраси":
17.00 1. "Ғаройибкентга саёҳат".
2. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
18.10 "Ҳангома".
18.40 ТВ клип.
18.45 "Мулкдор".
19.00 "Бахтли воқеа". Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. "Сен ёлғиз эмассан".
21.25 Ю.Ражабий номидаги мақом ижрочилари кўрик-танлови.
21.50 "Самодаги пойгалар". Бадиий фильм. 1-қисм.
23.25 "Ахборот-дайжест".
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

17.30 Кўрсатувлар дастури
17.35 «Давр» ҳафта ичида
18.05 ТВ-анонс
18.10 «Янги авлод» студияси: Болалар шеърияти
18.20 «Ғаройиб бочка». Мультфильм
18.30 ТВ-адвокат
18.35 Менинг мактабим
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр» – репортаж
19.45 ТВ-анонс
19.50 Ёшлар овози
20.10 Мусиқий лаҳза
20.15 Бир ўлкаки
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Гвадалупе». Телесериал
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол
0.25-0.30 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал. «Бебилиска пул».
20.20 «Хусусийлаштириш: қадам бақадам».
21.15 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Андижон Бобур ватани».
21.55 Кинонигоҳ. «Д'Артаньян ва уч мушкетёр».1-серия.
23.20-23.25 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканали

7.30 «Хабарлар». (ўзбек тилида).
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар». (рус тилида).
9.00 «Шоввозлар». Мультсериал.
9.20 Машҳурлар: «Брюс Ли».
10.05 - 11.30 «Геркулес». Мультфильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар». (рус тилида).
17.15 «Спорт-антракт».
17.20 Машҳурлар. А.Николаев.
17.50 «Клон». Сериал.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.30 «Болалар спорти».
20.45 «Спортимиз маликалари».
21.00 «Хабарлар».(ўзбек тилида).
21.15 «3 - тайм».
21.45 Жаҳон спорти: «Профф-РИНГ».
22.45 «Sport TV»да кино: «Зарбли футбол». Бадиий фильм.
00.25 "Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

16.55 гача профилактика ишлари

16.55 Открытие программы 17.00 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Я люблю неприятности», комедия 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Мангуст», сериал 21.10 «Спокойной ночи малыши» 21.30 «Теле-хамкор» 22.10 Киновечер на «30-м»: «Крутая восьмёрка», остросюжетный фильм 00.00 Программа передач

Seshanba 13

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Ҳужжатли телесериал.
9.50 Мусиқий танаффус.
10.00, 12.00 ,14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 "Рангин дунё".
10.25 "Бор экан-да, йўқ экан". Бадиий фильм.
11.45 "Хазораспнинг бир куни".
12.05 "Сен ёлғиз эмассан".
12.25, 13.50 ТВ клип.
12.35 "Қишлоқ ҳаёти".
12.55, 16.50 ТВ анонс.
13.00 "Мерос". Телесериал.
14.10 "Муносабат".
14.40 Кундузги сеанс: "Шерлок Холмс ва доктор Ватсон". Бадиий фильм. 6-қисм.
16.25 "Бизнес-ҳафта".
16.40 "Ифтихор".
16.55 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 "Тайёрланмаган дарслар мамлакати". Мультфильм.
18.30 "Остонаси тиллодан".
18.50 "Қўшиғимиз Сизга армуғон".
19.10 "Тафсилот".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истеъмолчи".
21.25 ТВ клип.
21.35 "Самодаги пойгалар". Бадиий фильм. 2-қисм.
23.10 "Ахборот-дайжест".
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Болалар шеърияти
8.40 «Лоф уришга ким уста?» Мультфильм
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 «Давр»-репортаж
9.35 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер»
10.25 Минг бир ривоят
10.30 «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 1-қисм
11.25 ТВ-адвокат
11.30 «Гвадалупе». Телесериал
12.10 Ёшлар овози
12.30 Бир ўлкаки...
12.50 Мусиқий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: «Шуке ва Бэйта»
13.35 Боланинг тили
13.45 Жар ёқасида
14.00 Интерфутбол
15.40 Қишлоқдаги тенгдошим
16.00 Давр
16.10 «Ёввойи оққушлар». Бадиий фильм
17.30 ТВ-анонс
17.35 Кўрсатувлар дастури
17.40 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар
18.00 Мульттомоша
18.15 Наво
18.30 Янги алифбони ўрганамиз
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
19.00 Давр
19.35 «Давр»- интервью
19.50 ТВ-анонс
19.55 Мусиқий лаҳзалар
20.05 Сув – ҳаёт манбаи
20.10 Дийдор
20.30 Ота-она излайман
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Гвадалупе» Телесериал
21.30 Ёшлар овози
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 Футбол-плюс
23.05 «Биринчи қалдироғоч».Бадиий фильм
0.15-0.20 Хайрли тун

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси
18.15 «Билим» телеклуби.
18.30, 20.00, 21.05, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал. «Бебилиска пул».
20.20 «Туризм ҳақида».
21.25 «Инсон ва қонун».
22.05 «Ҳамшаҳарлар».
22.25 Кинонигоҳ. «Д'Артаньян ва уч мушкетёр».2-серия..
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканали

7.30 «Хабарлар». (ўзбек тилида).
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар». (рус тилида).
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Шоввозлар». Мультсериал.
9.35 Жаҳон халқлари ўйинлари
10.05 Афсонавий футболчилар: «Фламенго ва Васко Да Гама».
10.55 «Т.Полонская билан бирга».
11.20-12.50 В.Теличкина «Фаввора олдида учрашамиз» комедия-сида.
16.50 Кўрсатувлар тартиби.
16.55 Футбол. Осиё чемпионлари лигаси. «Пахтакор» – «Ал-Риффа» (Бахрайн). Танаффусда «Хабарлар». (рус тилида).
18.50 «Миллионга кир ювиш».
19.00 Премьера. «Е.Романова: терговни дилетант олиб боради». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Болалар спорти».
20.45 «Олимп сари йўл».
21.00 «Хабарлар». (ўзбек тилида).
21.15 «Спорт ҳафтаси».
21.45 Жаҳон спорти: Еврофутбол.
23.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Мангуст», сериал 13.50 «В Мире Спорта» 14.30 Художественный фильм, «Крутая восьмёрка», остросюжетный фильм 16.10 «Ошикона», мусикий дастури 16.30 «Агентство», юмористический сериал 16.50 «Тайны мира», познавательная передача 17.40 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Выстрел в гробу», комедия 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Мангуст», сериал 21.10 «Спокойной ночи малыши» 21.30 «Теле-хамкор» 22.10 Киновечер на «30-м»: «Побег из Нью-Йорка», остросюжетный фильм 00.00 Программа передач

Chorshanba 14

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Ҳужжатли телесериал.
9.50 Мусиқий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Тафсилот".
10.20 "Қутилмаган меҳмон". Бадиий фильм.
11.35 "Остонаси тиллодан".
11.55, 12.25 ТВ анонс.
12.05 "Соғлом она - соғлом бола".
12.30 "Ўзбекистон бастакорлари".
12.50 "КиноТеатр".
13.10 "Мерос". Телесериал.
14.10 "Истеъмолчи".
14.30 Кундузги сеанс: "Шерлок Холмс ва доктор Ватсон". Бадиий фильм. 7-қисм.
15.40 "Қалб гавҳари".
16.00 "Ягона оилада".
16.30 ТВ клип.
16.40 "Оламни асранг!"
"Болалар сайёраси":
17.00 1. "Болаликнинг мовий осмони".
2. "Қизиқарли учрашувлар".
18.10 "Эл саломатлиги йўлида".
18.30 "Рақслар жилоси".
18.50 "Тафсилот".
19.05 "Қалқон".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 "Оқшом эртаклари".
20.15 "Юзма-юз".
20.30 "Ахборот"
21.05 "Журналист таҳлили".
21.25 ТВ клип.
21.35 "Парламент вақти".
21.55 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Музаффар". Бадиий фильм. 1-2-қисмлар.
23.45 "Ахборот-дайжест".
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тонг» Информацион дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер»
10.15 «Давр»- интервью
10.30«Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 2-қисм
11.30 Футбол-плюс
11.50 «Гвадалупе» Телесериал
12.30 Ёшлар овози
12.50 Мусиқий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: «Шуке ва Бэйта»
13.35 Бизнес – академия
13.55 Мезон
14.15 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал
15.05 Сув – ҳаёт манбаи
15.10 Дийдор
15.30 «Ўзбектелефильм» студияси намойиши: «Ўзбекистон маркаси»
15.40 Янги алифбони ўрганамиз
15.55 Ота-она излайман
16.00 Давр
16.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури
17.00 ТВ-анонс
17.05 Кўрсатувлар дастури
17.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
17.30 Тенгдошлар
17.50 ТВ-адвокат
17.55 Ёшлар овози
18.15 Сийрат
18.35 Каталог
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 ТВ-анонс
19.40 Автопатрул
20.00 Спорт-лотто
20.10 Мусиқий лаҳзалар
20.20 Очил дастурхон
20.40, 21.45, 22.35 Эълонлар
20.45 «Гвадалупе».

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал. «Бебилиска пул».
20.20 «Мурувват».
21.15 «Ҳимоя».
21.55 Кинонигоҳ: «Д'Артаньян ва уч мушкетёр». 3-серия.».
23.05-23.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканали

7.30 «Хабарлар». (ўзбек тилида).
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар». (рус тилида).
9.00 «Спорт-антракт».
9.10 «Клон» Сериал.
10.10 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
10.40 «Болалар спорти».
10.55 «Қувноқ стартлар».
11.30 - 12.20 «Кучли бешлик». Англия.
16.55 Кўрсатувлар тартиби
17.00 «Хабарлар». (рус тилида).
17.15 «Спорт – антракт».
17.20 «Шунчаки кулги».
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга кир ювиш».
19.00 Премьера. «Е.Романова: терговни дилетант олиб боради». Сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Болалар спорти».
20.50 «Спорт - менинг ҳаётим».
21.00 «Хабарлар». (ўзбек тилида).
21.15 «Спорт салтанати».
22.15 Футбол. Осиё чемпионлари лигаси. «Нефтчи» – «Ал-Қувайт» (Қувайт).
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Мангуст», сериал 13.50 «В Мире Спорта» 14.30 Художественный фильм, «Побег из Нью-Йорка», остросюжетный фильм 16.10 «Лучшие клипы» 16.20 «Агентство», юмористический сериал 16.50 «Тайны мира», познавательная передача 17.40 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Нескучные материалы», комедия 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Мангуст», сериал 21.10 «Спокойной ночи малыши» 21.30 «Теле-хамкор» 22.10 Киновечер на «30-м»: «Беспокойный свидетель», остросюжетный фильм 00.00 Программа передач

Payshanba 15

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ маркет
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1. "Болаликнинг мовий осмони".
2. "Қизиқарли учрашувлар".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 "Сирли сурат". Бадиий фильм.
11.50 , 13.50 ТВ клип
12.05 "Парламент вақти".
12.25 ИИВ "Осиё юлдузлари" ансамблининг концерти.
12.45 "Ҳаракатда баракат".
13.00 "Кавингтон Кросс". Телесериал.
14.10 "Журналист таҳлили".
14.30 Кундузги сеанс: "Шерлок Холмс ва доктор Ватсон". Бадиий фильм. 8-қисм.
15.45 "Парле ву франсе".
16.05 "Дунё бўйлаб".
"Болалар сайёраси":
16.25 1. "Чек". Теленовелла.
2. "Цирк, цирк, цирк".
17.25 "Яхшилар ёди".
17.45 "Харита". Халқаро шарҳ.
18.10 "Таълим ва тараққиёт".
18.30 Бир жуфт қўшиқ.
18.40 "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!"
19.00 "Масъул сўз".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Оқшом эртаклари".
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.30 "Ахборот".
21.05 Телемулоқот.
21.45 "Назм ва наво". Машраб лирикаси.
22.15 "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи".
23.15 "Ахборот-дайжест"
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тонг».- Информацион дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер»
10.15 Қалпоқ ҳангомалари
10.30 «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 3-қисм
11.30 ТВ-адвокат
11.35 «Гвадалупе». Телесериал (якунловчи қисм)
12.35 Ёшлар овози
12.55 Минг бир ривоят
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Мусиқий лаҳзалар
13.25 Болалар учун мультсериал: «Шуке ва Бэйта»
13.45 Чемпион сирлари (рус тилида)
14.10 Спорт-қитъаси (рус тилида)
14.30 Тенгдошлар
14.50 Сув – ҳаёт манбаи
14.55 Сийрат
15.15 «Ўзбектелефильм» студияси намойиши: «Қушлар»
15.35 Автопатрул
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 «Нозигойим». Бадиий фильм
17.35 ТВ-анонс
17.40 Кўрсатувлар дастури
17.45 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа
18.05 Кафолат
18.20 Табобат оламида
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр»- интервью
19.50 ТВ-анонс
19.55 «Coscom» хабарлари
20.00 Мусиқий лаҳзалар
20.10 Ёшлар овози
20.30 ТВ-адвокат
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ясон ва аргонавтлар». Бадиий фильм. 1-қисм
21.30 Бегойим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Изқувар». Комедия
0.15-0.20 Хайрли тун

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.35, 22.15 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал. «Бебилиска пул».
20.20 «Аёллар салтанати».

►

21.05 «Тенгдошлар».
21.55 «Бурч ва масъулият».
22.35 Кинонигоҳ. «Плезантвиль».
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканали

7.30 «Хабарлар». (ўзбек тилида)
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар». (рус тилида).
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Шоввозлар». Мультсериал.
9.35 Х-спорт
10.05 «Майдон ортидаги одам».
10.20 «Кучли бешлик». Испания.
11.10 Мультфильм.
11.20-13.00 А.Пугачева «Қалбимни очгани келдим» фильмида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.15 «Спорт-антракт».
17.20 «Миллионта атиргул».
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга кир ювиш».
19.00 Премьера. «Е.Романова: терговни дилетант олиб боради». Сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Нокаут».
21.00 «Хабарлар». (ўзбек тилида)
21.15 «Болалар спорти».
21.30 «3-тайм»
21.50 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Мангуст», сериал 13.50 «В Мире Спорта» 14.30 Художественный фильм, «Беспокойный свидетель», остросюжетный фильм 16.10 «Лучшие клипы» 16.20 «Агентство», юмористический сериал 16.50 «Тайны мира», познавательная передача 17.40 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Филин и кошечка», комедия 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Мангуст», сериал 21.10 «Спокойной ночи малыши» 21.30 «Теле-хамкор» 22.10 Киновечер на «30-м»: «Новичок», комедия 00.00 Программа передач

JUMA 16

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 -8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1. "Чек". Теленовелла.
2. "Цирк, цирк, цирк". 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!".
10.25 "Соз сеҳри".
10.45 А.Цигарелли. "Ассалому алайкум, қизлар". Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм
11.55, 15.45 ТВ анонс.
12.05 "Ўзлигинг намоён қил". Экранда - Сурхондарё вилояти.
12.25, 13.50 ТВ клип.
12.35 "Масъул сўз"
13.00 "Кавинтон кросс". Телесериал.
14.10 Телемулоқот.
14.50 "Ассалому алайкум, қизлар" спектаклининг 2-қисми.
"Болалар сайёраси":
15.50 1. "Ёш юлдузлар".
2. "Ўйла, Изла, Топ!". Телемусобақа.
16.50 "Наврўз ҳазиллари".
17.10 Мумтоз наволар.
17.25 "Нурли манзиллар".
17.45 "Саховат".
18.10 "Тиббиёт одимлари".
18.25 "Антиқа томоша".
18.55 ТВ клип.
19.05 "Ҳидоят сари".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Дастурхон атрофида".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Муносабат".
21.35 "Ўзбекистон" телеканалида илк маротаба: "Ёз ифори". Телесериал.
22.45 "Олтин бешик".
23.15 "Ахборот-дайжест".
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал. «Живз ва Вустер» 8-қисм
10.15 «Давр»-интервью
10.25 «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 4-қисм
11.30 Ёшлар овози
11.50 «Ясон ва аргонавтлар». Бадиий фильм. 1-қисм
12.35 Кафолат
12.50 Мусиқий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: «Шуке ва Бэйта»
13.35 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал
14.25 Бегойим
15.45 «Ўзбектелефильм» студияси намойиши: «Ўзбек таомлари»
15.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 «Пилигрим» кемасининг капитани». Бадиий фильм
17.35 Кўрсатувлар дастури
17.40 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
18.00 «Сузишни истайман». Мультфильм
18.25 Аскар мактублари
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 ТВ-анонс
19.40 Мусиқий лаҳзалар
19.50 Давр. Миллий хавфсизлик
20.10 2004 – меҳр ва мурувват йили. Азизим
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ясон ва аргонавтлар». . Бадиий фильм. 2-қисм
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 Автосалтанат
23.00 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол
23.50-23.55 Хайрли тун

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Аёл қалби».
18.30, 20.00, 21.00, 21.55 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал. «Бебилиска пул».
20.20 «Биз ва болалар».
21.15 «Навбатчи қисм».
21.35 «Саломат бўлинг».
22.15 Кинонигоҳ. «Тўйдаги қўшиқчи».
23.35-23.40 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканали

7.30 «Хабарлар». (ўзбек тилида).
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар». (рус тилида).
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Х-Спорт».
9.35 «Федерация фаолияти».
9.50 «Дунёга назар».
10.20 Мультсериал «Мушуклар-сичқонлар».
11.40 - 13.00 Мультсериал «Малика Сиси».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар». (рус тилида).
17.15 «Спорт-антракт»
17.20 Ҳужжатли фильм.
17.50 «Кучли бешлик». Италия.
18.40 «Спорт-клуб».
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Маҳорат қирралари».
21.00 «Хабарлар». (ўзбек тилида).
21.15 «Болалар спорти».
21.35 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.10 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Мангуст», сериал 13.50 «В Мире Спорта» 14.30 Художественный фильм, «Новичок», комедия 16.10 «Ошикона», мусикий дастури 16.30 «Юмористическая передача» 16.50 «Тайны мира», познавательная передача 17.40 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Противостояние», фантастика 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса 21.10 «Лучшие клипы» 21.30 «Теле-хамкор» 22.10 Киновечер на «30-м»: «Негодяй», триллер 00.00 «Ночной канал» - «Решение о ликвидации», остросюжетный фильм

SHANBA 17

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1. "Ёш юлдузлар".
2. "Ўйла, Изла, Топ!. Телемусобақа.
10.00 "Ҳидоят сари".
10.20 "Мусиқа дунёси".
10.40 "Бу турфа олам".
11.30 "Ташаббус-2004".
13.30 "Ёз ифори". Телесериал.
14.40 16.30 ТВ клип.
14.50 "Куч - билим ва тафаккурда".
15.10 "Куйла ёшлигим".
15.30 "Дўстлик" студияси: 1. "Бизнен мирас". 2. "В доброй хате" 3. "Истоки".
16.40 "Карлсоннинг қайтиши". Мультфильм.
17.00 "Изҳор". Мусиқий дастур.
17.20 "Экран хандаси".
17.50 "Қалб гавҳари".
18.10 "Рангин дунё".
18.30 Мумтоз наволар.
18.50 "Қишлоқ ҳаёти".
19.10 "Ўзлотто". Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.30 "Ахборот".
21.05 "Гап чиқди".
21.45 "Ўзбекистон" телеканалида илк маротаба: "Ёз ифори". Телесериал.
22.55 ТВ клип.
23.05 "Ахборот-дайжест".
"Тунги ёғду".Дам олиш дастури
23.25 "Кейт ва Лео". Бадиий фильм.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 ТВ-анонс
9.30 Табобат оламида
9.55 Ота-она излайман
10.00 Давр. Миллий хавфсизлик
10.20 «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 5-қисм
11.30 Мусиқий лаҳзалар
11.40 «Ясон ва аргонавтлар». Бадиий фильм. 2-қисм
12.25 ТВ-анонс
12.30 Бола тилидан
13.00 Жаҳон жуғрофияси
13.50 «Саҳна сардори» Зикир Муҳаммаджонов. 1-қисм
14.10 ТВ-анонс
14.15 Мульттомоша
14.30 «Саҳна сардори» Зикир Муҳаммаджонов. 2-қисм
14.50 Интерфутбол
16.30 Сен ёлғиз эмассан
16.50 Қишлоқдаги тенгдошим
17.10 ТВ-анонс
17.15 Кўрсатувлар дастури
17.20 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма
17.35 Хонадон
18.05 Дунё ажойиботлари
18.15 Саломатлик сирлари
18.35 Каталог
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр» – репортаж
19.45 ТВ-анонс
19.50 Кутилмаган меҳмон
20.15 Минг бир ривоят
20.20 Оҳанрабо
21.00, 22.35 Эълонлар
21.05 «Ясон ва аргонавтлар». Бадиий фильм. 3-қисм
22.00 Давр
22.40 «Ясон ва аргонавтлар». Бадиий фильм 4-қисм
23.25-23.30 Хайрли тун

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби
17.20 Болажонлар экрани.
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Мультчархпалак».
18.15 «Жаҳон географияси».
18.45, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.00 «Экран зийнати ва қиймати».
19.30 «Афиша».
19.50 «Мисли гавҳар».
20.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.50 «Нима учун?».
21.20 «Бахтли бўлинг».
22.05 Кинонигоҳ. «Такси -1».
23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканали

7.30 «Хабарлар». (ўзбек тилида).
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар». (рус тилида).
9.00 Мультфильм.
9.10 «Лаззат».
9.30 «Муҳаббат ҳикоялари».
10.10 «Уйга қайтиш». А.Гуськов. Киев.
11.00 «Болалар спорти».
11.20 Теннис бўйича Фьючерс халқаро турнири.
11.50 «Футбол мундиал».
12.20 «Олам бўйлаб».
13.00 Дисней клуб: «Тимон ва Пумба».
13.30-14.10 «Ақллилар».
15.55 Кўрсатувлар тариби.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Локомотив» - «Бухоро». Танаффусда «Хабарлар». (рус тилида).
17.50 Жаҳон спорти: «Теннис».
18.50 «Спорт-антракт».
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?». Телеўйин.
20.00 «Время».
20.20 Теннис бўйича Фьючерс халқаро турнири.
20.50 Премьера. «Тренер». Ҳужжатли фильм.
21.00 «Хабарлар». (ўзбек тилида).
.15 Оғир атлетика. Ўзбекистон чемпионати.
21.40 «Ўзбекистон ифтихорлари».
21.55 «Олтин граммофон».
22.55 Премьера. Хью Грант ва Джулианна Мур «Тўққиз ой» комедиясида.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

9.00 Открытие программы 9.05 «Теле-хамкор» 9.30 «Детский час» 10.00 Фильм детям: «Дети Дон Кихота», приключения 11.30 «Окно в мир» - документальный фильм 12.00 «Негодяй», триллер 13.40 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса 14.30 Индийское кино: «Император» 17.00 «Дикая планета», познавательная передача 17.40 «Лучшие клипы» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Истина в вине», драма 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Спорт - экстрим» 20.40 «Теле-хамкор», фойдали газета 21.10 «Пещера золотой розы», сериал 22.10 Киновечер на «30-м»: «Первый удар», остросюжетный фильм 00.00 «Ночной канал» - «Олигарх», триллер

YAKSHANBA 18

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Она меҳри".
11.20 "Бу турфа олам".
12.10 "Лаззат сеҳри".
12.40 "Кўҳна замин оҳанглари".
13.00 "Ёз ифори". Телесериал.
14.10 "Гап чиқди".
14.50 «Ўзбекистон дурдоналари» туркумидан: «Самарқанд»
15.00 "Истеъдод".
15.20 "Дўстлик" студияси: 1. "Рангинкамон". 2."Дидар". 3. "Айчурек". 4. "Чинсэн".
16.40 "Портретга чизгилар".
"Болалар сайёраси":
17.00 1. "Ғаройибкентга саёҳат".
2. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
18.00 "Иқтидор". Телеўйин.
18.50 Эстрада тароналари.
19.10 "Бизнес ҳафта".
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида).
20.05 "Кўрсатувдан-кўрсатувгача".
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 2004 йил - меҳр ва мурувват йили. "Яхшилик".
21.40 "Ўзбекистон" телеканалида илк маротаба: "Ёз ифори". Телесериал.
22.50 "КиноТеатр".
23.10 ТВ клип.
"Якшанба кинозали":
23.20 "Ўзбекистон" телеканалида илк маротаба: "Данди" лақабли тимсоҳ". Бадиий фильм.
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма
8.55 ТВ-анонс
9.00 «Давр»-репортаж
9.10 Автосалтанат
9.25 Томорқа
9.35 Оҳанрабо
10.15 Очил дастурхон
10.35 «Заковат» интеллектуал ўйини
11.35 Аскар мактублари
11.55 Минг бир ривоят
12.00 «Ясон ва аргонавтлар». Бадиий фильм. 3-қисм
12.45 Мусиқий лаҳзалар
12.55 «Ясон ва аргонавтлар». Бадиий фильм 4-қисм
13.40 2004 – меҳр ва мурувват йили. Азизим
14.05 « Экспедиция». Ҳужжатли сериал
14.55 Дунё ажойиботлари
15.05 Ҳандалак
15.35 Ринг қироллари
16.25 Мутолаа. Абдулла Қодирий. 1-қисм
16.45 ТВ-анонс
16.50 «Баҳор». Манзарали фильм
17.00 Мутолаа. Абдулла Қодирий. 2-қисм
17.20 Хуш келибсиз
17.45 ТВ-анонс
17.50 Кўрсатувлар дастури
17.55 Гулғунчалар
18.05 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус
18.30 Спорт ҳафтаномаси
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 «Давр» -news
19.20 ТВ-анонс
19.25 Очун
19.50 Сув-ҳаёт манбаи
19.55 «Оила тилсими» кўрсатуви саҳифаларидан
20.25 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин
21.15, 22.30 Эълонлар
21.20 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Хизматдаги шерик». Бадиий фильм
21.50 Олтин мерос
22.00 «Давр» ҳафта ичида
22.30 «Хизматдаги шерик». Бадиий фильм. (давоми)
23.30-23.35 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби
17.20 Болажонлар экрани.
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.35 «Жаҳон географияси».
20.05 «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
20.25, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
20.40 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.10 «Дугоналар».
21.45 «ТВ плюс».
22.15 Кинонигоҳ. «Қара, ким гапиряпти».
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканали

7.30 «Хабарлар». (ўзбек тилида).
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар». (рус тилида).
9.00 «Полвон бўлмоқчиман».
9.10 Д.Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари»
9.30 «Ҳамма уйдалигида»
10.00 «От ҳақида афсона».
10.30 «Қувноқ стартлар».
11.05 «Спорт – антракт».
11.10 «КВН-2004»
13.15 Дисней клуб: «Тимон ва Пумба».
13.40 «Рақибингиз гроссмейстер».
13.55-14.15 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
16.55 Кўрсатувлар тартиби
17.00 «Хабарлар». (рус тилида).
17.15 «Бинафша»
17.35 «Дадиллик учун соврин».
18.00 «Кулгили одамлар». Л.Измайловнинг кўрсатуви.
20.00 ФИФА.
21.00 «Хабарлар». (ўзбек тилида).
21.15 Теннис бўйича Фьючерс халқаро турнири.
21.45 «Халқ ўйинлари».
22.05 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

9.00 Открытие программы 9.05 «Теле-хамкор» 9.30 «Детский час» 10.00 Фильм детям: «Божьи коровки», комедия 11.30 «Теле-хамкор» 12.00 «Первый удар», остросюжетный фильм 13.40 «Детский час» 14.30 Дневной кинозал: «Под песком» мелодрама 17.10 «Дикая планета», познавательная передача 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Универсальный солдат», остросюжетный фильм 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Спорт - экстрим» 20.40 «Теле-хамкор» 21.10 «Пещера золотой розы», сериал 22.10 Воскресный киновечер на «30-м» «Пароль «рыба - меч», остросюжетный 00.00 Программа передач

Абдулла Қодирий таваллудининг 110 йиллигига

Эсимизни танибмизки, халқимиз яратган ва бунёд этган буюк даҳолар ҳамиша бизни ҳайратга солиб келади. Тўғри, аслида биз заҳматкаш ва доно халқмиз. Элсевар ва юртсеварлигимиз ҳақида гап йўқ. Жилд-жилд буюк асарлар, қомуслар ёинки осмонўпар тарихий ёдгорликларимиз-у, алгебрик ёки тригонометрик тенгламалар ечимидан тортиб, ой ва қуёш, ер ва коинот тузилишига оид илмий хулосаларимиз бир ёқда турсин-да, оддий бир сўз, биргина ибораларимизга яширинган олам-олам маъно ва мазмунлар моҳиятини чақиб кўрайлик-чи?!

АДИБ МАҲОРАТИ

«Ўткан кунлар» фильмидан лавҳа.

Оддий «адабиёт» сўзини олиб қаранг, у неча хил маъно касб этади. Бир томондан барча нашр этилган асар, китоб маъносини берса, иккинчи томондан, бадиий асар, соф маънодаги адабиётни англатади.

Пировард натижада яхшилик ва ёмонлик тушунчаларининг маъно ва мазмуни адабиётнинг буюк воситаси ва кўргазмали ифодаси билан ўз ечимини топади. Ўқувчига, китобхонга маънавият ёлқини бўлиб сингади, кўзига нур, қалбига чироғ тутади. Бу борада буюк адиб Абдулла Қодирий ижоди ҳам яхши дарсдир. Биламизки, Абдулла Қодирий адабий тур ва жанрларнинг қайси бир кўринишида ижод қилмасин, ҳамиша ва ҳамма ҳолатда фақат ягона бир буюк мақсад, орзу билан яшади. Яъни ўз халқини жаҳондаги энг тараққий этган, юксак маданиятли, тенг ҳуқуқли халқлар каби камолотга кўтарилишини истади, даъваткорлик қилди. Бу борада фақат орзу ва даъват билангина чекланиб қолмай, балки уларнинг амалий ва самарали ечимини ҳам топа билди. Хусусан, «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» каби романларида унинг мумтоз ва нафис бир тизимини яратди. Миллий маданиятимиз ва маънавиятимизнинг зарур бўлаги ҳисобланган миллий муомала маданияти, ўзаро муносабат этикаси ва меъёрини ишлаб чиқди ва тақдим этди.

Ҳеч бўлмаганда «Ўткан кунлар»да ифодаланган кундошлик муаммоси тасвирини эслайлик. Отабек Кумушбибига уйлангач, бироз муддат Марғилонда қолиб кетади. Ўзбекойим ташвишга тушиб, эри Юсуфбек ҳожига: «Сиз отамисиз, нимасиз ахир, ўғлингизни тийиб олиш ҳеч эсингизга келадими?» дея бобиллаганда, Юсуфбек ҳожи хотиржам ва босиқлик билан: «Қўябер, хотин, ўзи соғ бўлса, бир кун эсини топар», — деб ўзаро муносабатдаги узилиб, парчаланиб кетиши мумкин бўлган тарангликни юмшоқлик билан ҳал этади. Бироқ, ўша жанжалкаш, хархашалик Ўзбекойим ўз мақсадига эришиб, Отабек Марғилондан келгунча, «бир яхши жойга унашиб» улгуради. Икки ўт орасида қолган ота — Юсуфбек ҳожи ўғли Марғилондан келгач, унга: «Ўғлим, ҳали сен эшитдингми, йўқми, ҳайтовур биз сенинг устингдан бир иш қилиб қўйдик», — дея андиша билан мурожаат этганда, Отабек ота-онанинг «нима иш» қилиб қўйганидан хабардор бўлса ҳам, билмаганга олиб: «Ақлли кишиларнинг ўғуллари устидан қилғон ишлари албатта номаъқул бўлмас» деган андишани айтади.

Худди шундай нафис муомала ота-боланинг қипчоқлар қирғинидан сўнгги диалогида ҳам кўзга яққол ташланади. Маълумки, Отабек қипчоқлар қирғинидан даҳшатга тушади.Бу ишда ҳатто ўз отасининг ҳам иштироки бор деган хаёлга ҳам боради. Шу ўринда ўқувчи ота-бола муносабати, муомаласида бир совуқ ҳолат, ҳаттоки фожиавий якун туғилишидан ташвишга тушади. Бироқ, натижа: муаммолар ечими кутилмаганда ўзгача, инсоний бир самимийлик доирасида ҳал этиладики, ўқувчи бир энтикиб ҳам олади. Ўша «Қипчоққа қирғин» бобидаги шу ҳолат тасвирини бир кўз олдингизга келтиринг. Отабек гумонларини тинглаб бўлгач, ота: «Ўзинг ўйлаб кўр, ўғлим, ўз қўлимиз билан ўзимизникини кесишимиздан мамлакат учун қандай фойда бор... Нега ҳар бир нарсага етган ақлинг шунга келганда оқсайдур? Нега ёнғон юрагимга яна сен ҳам заҳар сочасан?!» деб «титраб ва тўлқинланиб айтилган бу сўзлар» Отабекнинг «ҳақсиз эканлиги»ни англатади. Айни чоғда ўзаро муносабат ва муомаладаги таранглик ўрнига қандайдир ота-бола ўртасида қайта туғилган илиқликни яратади. Айтиш мумкинки, бундай ўзбекка, ўзбек миллатига хос муомала маданияти ҳатто бири ўт, бири сув бўлган кундошлар ўртасида ҳам мустаҳкам анъанавий-маънавий тизимни сақлайди. Хусусан, Кумушбиби билан Зайнаб ўртасидаги муносабатда кундошлик таранглиги ҳар дақиқа сезилиб турса-да, ташқи кўринишда анъанавий ҳурмат, урф-одат тизимидан четга чиқилмайди.

Худди шунингдек, романда олий зот фарзанди Отабек билан унинг оддий хизматкори, аниқроғи, қули Ҳасанали ўртасидаги муомала, муносабатлар тасвирини кўринг. Улар гўё бири хўжайин, бири хизматкор — қул сифатида эмас, ота-бола тарзида ҳаракатда бўладилар. Буни адиб атайлаб қилмайди, асар ва қаҳрамон руҳидан келтириб чиқаради. Ҳатто Ҳомиддек сурбет, беандиша бир шахс ҳам бу ҳолатдан ҳайратга тушади.

Яна «Меҳробдан чаён»даги бир ҳолатни хаёлга келтирайлик. Унда «Нега ерга қарайсан, Раъно?» деган оддий бир ибора, бир жумла бутун бир асар моҳиятини, бутун бир боб сарлавҳасини тайин этади. Ўйлаб қарасак, «Нега ерга қарайсан, Раъно?» саволида қанчадан-қанча маъно бор? Ўзбек аёлига хос андиша, итоат, латофат, тортинчоқлик, ҳаё, ибо — ҳамма-ҳаммаси жамулжамдир. Бундай одат ва белги миллатимиз аёлига, ҳа, ўзбек аёлига хос бир фазилатлигига урғу ҳамдир. Кўриниб турибдики, ана шундай ота-боболари, оналари, фарзандлари андишали, имонли, ибратли халқнинг маънавияти, маданияти ҳамиша намуна бўлиб хизмат қилмоғи даркор.

Адабиётнинг, қолаверса, адибнинг хизмати ҳам шундаки, у ўз миллати, халқидаги ана шу ўзига хос, такрорланмас, ҳа, айтганча, ўтда ёнмас, сувда чўкмас, қароқчи ололмас маънавиятни ардоқлаш, кўз-кўз қилиш ва энг муҳими истиқлол истиқболига хизмат эттиришдан иборатдир.

Собир МИРВАЛИЕВ,
профессор.

Sport xabarlari

ШОҲМОТ. Спортчиларимиз Эронда ўтказиладиган Осиё чемпионатида қатнашиш учун жўнаб кетди. Қитъа чемпионатида 16 ва 18 ёшгача бўлган шоҳмотчилардан иборат жамоалар иштирок этади.

16 ёшгача бўлган йигит-қизлардан юртимиз спорт шарафини Ирина Геворгян ва Евгений Пак ҳимоя қилади. Шунингдек, Ольга Кузнецова ҳамда Антон Филиппов 18 ёшгача бўлган шоҳмотчилар баҳсида дона суради.

Осиё чемпионати ғолиб ва совриндорлари 11 апрель куни аниқланади.

ВЕЛОСПОРТ. Тошкент вилояти йўлларида велоспорт шоссе бўйича ўтказилган халқаро турнир якунланди. Унда 115 нафар велопойгачи ғолиблик учун беллашди.

Шахсий ва гуруҳ пойгалари натижасига кўра, қозоғистонлик Игорь Чернишов биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар иқтидорли велопойгачиларимиз - Муроджон Холмуродов ва Денис Сукачёвга насиб қилди.

ФУТБОЛ. Ўзбекистон миллий терма жамоаси собиқ ҳужумчиси, мамлакатимизнинг 2000 йилдаги энг зўр футболчиси - Жаъфар Иримсетов ўз фаолиятини Қозоғистон чемпионати суперлигасида давом эттирадиган бўлди.

Ўзбекистон чемпионатларида энг кўп - 156 гол киритган мазкур ҳужумчи ўз фаолияти давомида Россиянинг "Черноморец", "Спартак", "Анжи", Украинанинг "Кривбасс" ва Беларуснинг "Славия" жамоаларида ҳам тўп сурган.



ПРОФЕССИОНАЛ БОКС. 6 апрель куни ўзбекистонлик профессионал боксчи Темур Иброҳимов Россияда ташкил этилган мусобақада мезбонлар вакили Игорь Чикиркани биринчи раундда нокаутга учратиб, ғалаба қозонган эди. Ўта оғир вазнли боксчимизнинг навбатдаги рақиби ва жанг муддати аниқ бўлди.

Темур Иброҳимов 22 апрель куни америкалик Терри Мак Грумга қарши рингга чиқади. Ўн раундлик жанг Россия пойтахти Москва шаҳридаги "Крилья Советов" спорт саройида ташкил этиладиган профессионал бокс бўйича мусобақа доирасида ўтказилади.

ЎзА.

АЗАМАТ — СОВРИНДОР

Навоий вилоятида спортнинг бокс тури бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Ушбу мусобақаларда вилоятимиз вакиллари ҳам иштирок этиб, бир қатор совринли ўринларни қўлга киритдилар.

Ангрен шаҳар педагогика коллежи талабаси Азамат Кулжонов 60 килограмм вазн тоифасида рингга чиқиб, чемпионат ғолибларидан бирига айланди ва олтин медал соҳиби бўлди.

Рустам ЁҚУБОВ.

ОТҲЖ «ЯНГИЙЎЛ» АГРОФИРМАСИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жамият акциядорларининг умумий йиллик ҳисобот йиғилиши 2004 йил 12 май куни соат 14.00 да Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 143-уйда ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 2003 йил молиявий хўжалик фаолияти якуни ҳамда 2004 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2003 йил учун даромад ҳисоботини ва йиллик балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
4. 2003 йил аудитор текшируви хулосаси.
5. 2004 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш.
6. Дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш.
7. Бошқарув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
8. Бошқарув Кенгаши раиси номзодини тасдиқлаш.

ОТҲЖ «Янгийўл» агрофирмасининг 2004 йил 1 январь ҳолатига бўлган баланси

№	Номи	Актив	Пассив
1	Асосий воситалар	336378	
2	Номоддий активлар	4338	
3	Капитал қўйилмалар	69403	
4	Узоқ муддатли инвестициялар	16268	
5	Ишлаб чиқариш заҳиралари	1623722	
6	Тайёр маҳсулотлар	124519	
7	Дебиторлар	275130	
8	Бошқа активлар	20885	
9	Устав капитали		186574
10	Заҳира капитали		234411
11	Тақсимланмаган фойда		91142
12	Мақсадли молиялаштириш тушумлари		118485
13	Келгуси давр даромадлари		455610
14	Кредитлар		301000
15	Узоқ муддатли қарзлар		100000
16	Кредиторлар		983421
Баланс жами:		**2470643**	**2470643**

Кузатув кенгаши.

АҚШ:

МЕРДОК БУШ ТАРАФДОРИ

News Corporation соҳиби ва машҳур медиамагнат Руперт Мердок ўз компанияси штаб-квартирасини АҚШга кўчиргани ҳамоноқ, бўлажак президентлик сайловларида шубҳасиз Жорж Буш ғалаба қозонажаги ҳақида ахборотлар тарқатмоқда. Мердок медиа-империяси ва хусусан, Fox телетармоғининг АҚШдаги таъсир кучи жуда улкан. News Corporation Австралиядан АҚШга кўчиб келгач, унинг салмоғи янада ортади. Обрўси тобора кўтарилиб бораётган Жон Керри билан рақобат бобида президент Жорж Бушга Мердокнинг мадади ғоят асқотиши мумкин.

ИСПАНИЯ:

ТАРАДДУД ИЗЛАРИ ТОПИЛДИ

Террорчилар Испанияда насронийлар диний байрамлари куни бир қанча портлашлар уюштиришга тайёргарлик кўрганлари аниқ бўлди. Ҳибсга олиш жараёнида ўзларини портлатиб юборган жангариларнинг харобага айланган уйида полиция ана шулардан далолат берувчи ашёлар топди. Хусусан, бу ерда портлатиш мўлжалланган тахминий жойлар кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек, қўлланишга тайёр портлатиш мосламалари ва йирик миқдорда нақд пуллар бор экан.

ШВЕЙЦАРИЯ:

ДАЪВОДАН КЕЧГАНЛАРИ ЙЎҚ

Швейцариянинг Noga фирмаси Россияга нисбатан кўрсатилган зиён учун товон ундириш борасидаги суд даъволаридан воз кечганича йўқ, дея таъкидламоқда фирма адвокати Эммануэль Мерсинье. Аввалроқ Noga 2001 йил июнида Ле Бурже аэрокосмик халқаро салонида намойиш этилаётган иккита рус ҳарбий самолётини ҳибсга олган ва кейинчалик улардан воз кечганди. Швейцарияликлар Росавиакосмос ва Ле Бурже салони маъмуриятига қарши даъводан ҳам воз кечдилар.

РОССИЯ:

ШУБҲАЛАНАЁТГАНЛАР БОР

Ингушетиядаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мамлакат президенти Мурат Зязиковга суиқасд уюштиришда гумон қилинаётган бир неча одамни ҳибсга олди. Бу ҳақда Россия Федерацияси бош прокурори ўринбосари Сергей Фридинский маълум қилди. «Ингушетияда тергов гуруҳи фаолиятини давом эттирмоқда, – деди Фридинский. – Қўлга олинганлар бор. Далилий ашёлар тўпланмоқда». Зязиковга суиқасд 6 апрелда, унинг кортежи Назрандан Магасга жўнаб кетаётганда уюштирилган эди.

ГРЕНЛАНДИЯ:

МУЗ ҚАЛҚОНИ КЕРАК

Ер юзидаги глобал илиқлашув шу тарзда давом этаверса, минг йилдан сўнг Гренландия музликлари батамом йўқ бўлиб кетиши мумкин. Олимларнинг фикрига кўра, оролдаги ҳарорат 2350 йилга бориб, 8 даражага ортади. Гренландия муз қалқонининг эриши жаҳон океани сатҳининг 7 метр кўтарилишига сабаб бўлади. Бу ҳолда денгиз ёқасида жойлашган кўпгина шаҳарлар, хусусан Лондон, шунингдек, Бангладеш сингари аҳолиси зич мамлакатлар сув остида йўқолиб кетиши мумкин.

Лондоннинг тарихий кўчаларидан бири.

Шарҳловчи минбари

САЙЁРАМИЗ АҲОЛИСИ ЯНА ЭЛЛИК ЙИЛДАН СЎНГ...

АҚШдаги аҳолини рўйхатга олиш бюроси жаҳондаги демографик ўзгаришларга бағишланган ҳисоботини эълон қилди. Унда айтилишича, ҳозир АҚШ аҳолисининг сони 288 миллион кишини ташкил этади. Яна ярим асрдан кейин бу рақам 420 миллионга етади.

Ғарбий Европа нуфуси эса бу вақтда камайиб боради ва 392 миллиондан 173 миллионга тушади.

Ҳозир Россияда 145 миллион киши яшайди. Бироқ бу рақам 2025 йилга келиб 136 миллионни, 2050 йилда эса 118 миллионни ташкил этаркан.

Америкалик олимларнинг айтишича, аҳолининг камайиши фақат Россияга тегишли эмас. Бу жараён Украинада ҳам давом этади.

Яъни, Украинада аҳоли сони кейинги эллик йил давомида 48 миллиондан 38 миллионга камаяди. Марказий Осиё мамлакатларида эса аҳоли сони ўсиши юқори суръат билан давом этади.

2002 йилда сайёрамиз аҳолиси 6,2 миллиард кишини ташкил этганди. 2025 йилгача бу рақам 7,8 миллиардга, яна чорак асрдан кейин эса 9 миллиардга етади. Аҳоли ўсиши асосан, ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозир дунёда энг сераҳоли мамлакат Хитой, ундан кейин Ҳиндистон ҳисобланади. Хитой аҳолиси ҳозир 1,3 миллиард кишини ташкил этса яна ярим асрдан кейин бу кўрсаткич 1,44 миллиардга етади. Ҳиндистонда эса эллик йилдан кейин 1,6 миллиард киши истиқомат қилади. Ҳиндистон аҳоли сони бўйича ярим асрдан кейин Хитойдан ўзиб, жаҳонда биринчи ўринга чиқади.

Ҳисобот муаллифларининг таъкидлашича, дунёда аҳоли сони ўсиши даражаси бундан ўн йил муқаддам энг юқори кўрсаткичга эришганди.

Шундан кейин ўсиш суст-лаша бошлади. Бунга дунё бўйича туғилиш кўрсаткичи камайгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Кейинги ўн йил давомида сайёрамизда одамлар сони камайишига аҳолининг кексайиб бораётгани ва ОИТС касаллигининг салбий таъсири сабаб бўлиши айтилмоқда.

ОИТС касаллигининг дунё бўйлаб кенг тарқалиши инсоният олдида катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, ушбу хасталик туфайли Африканинг қатор мамлакатларида одамларнинг ўртача умр кўриши атиги 30 йилни ташкил этаётир. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда туғилишнинг пасайиши сабабли аҳолининг катта қисмини нафақа ёшидаги одамлар ташкил этаётир.

Мутахассислар ушбу жараён келгусида ҳам давом этишини тахмин қилмоқда.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Турфа олам

ТЕРИ ЎРНИГА КЎЗ



Европада татуировка ва пирсингга бўлган ҳавас тобора сўниб бормоқда. Бу ерда энди кўзга зеб бериш урф бўлаяпти. Роттердамдаги офтальмология институти қошидаги клиника жарроҳлари косметик муолажалар давомида ҳозирнинг ўзидаёқ 6 та аёл ва бир эркак кўзининг оқига мўъжаз қимматбаҳо тошлар жойлаштиришди. Кўз асаблари вақтинча жонсизлантирилиб, қилинадиган бу тиғли муолажа 500 дан 1000 еврогача баҳоланмоқда ва у 15 дақиқа давом этади.

ТЎЛАЙ ОЛАРМИКАН?

– 2001 йил октябрида магистрал нефть қувурини ўққа тутган аляскалик Дениэль Льюис қамоққа ҳукм қилинишидан ташқари етказган 17 миллион долларлик зарарни қоплаши ҳам лозим эди, – дея хабар қилади Reuters. Ҳозир қамоқда ўтирган бу одам ҳибсга олингунига қадар доимий даромад манбаига эга бўлмаганлиги сабабли, ҳукумат Льюиснинг бу зарарни қоплай олишига шубҳа билдирмоқда. Шу кетишда бунинг учун 17 минг йил керак бўлса, ажаб эмас.

ЎЗГАНИНГ БОШ ЧАНОҒИ

Франческо Петрарка қабрида эксгумация ўтказган патологоанатом буюк шоирнинг бош чаноғи йўқолганини маълум қилди. Падуан университетининг профессори Вито Террибиле Вайль Маринниг айтишича, Петрарка суякларини тадқиқ этиш чоғида унинг қовурғаси ва тишларидан ДНК намуналари олинган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бош чаноғи бошқа одамга тегишли экан. Олим чаноқ қачон алмаштирилиб қўйилганини билмаслигини таъкидлаб, бу нарса тарихидан хабардор бўлиши мумкин бўлган одамларнинг ўзи билан боғланишини илтимос қилди.

Турфа олам

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Мулоҳаза

ТАРИХИМИЗНИ ТЎҒРИ ТАЛҚИН ЭТАЙЛИК

Туғилиб ўсган юртга меҳр ва ватанпарварлик туйғуси ҳар қачонгидан кучайганлиги қувонарли ҳолдир. Халқимиз ўтмишининг янгиланган академик ва ўқув-методик нашрларидан ташқари ўлкамизнинг муайян ҳудуди тарихига бағишланган илмий-оммабоп асарларнинг кўпайиб бораётганлиги ана шу меҳр ва фахр туйғуларининг ҳосиласидир.

Журналист Мўмин Қаюм узоқ йиллардан буён ўзи туғилиб ўсган Оҳангарон тумани тарихи билан шуғулланиб келади. Туман газетасида унинг ушбу масалага бағишланган ўнлаб мақолалари эълон қилинди, «Тоғлар бағридаги забаржад» (1996), «Оҳангарон саркорлари» (1999), «Ботмай қолган ой» (2000), «Юзма-юз» (2001), «Биз сув ичган булоқлар» (2003) сингари китоблари чоп этилди. Уларда туман тарихининг Қорахонийлар даврида қисқача вақт мустақилликка эришган Илоқ давлати давридан чоризм ва шўро ҳукм сурган вақтдаги мингбоши ва қўрбошилар, дастлабки хўжалик, корхона ва муассасалар раҳбарлари, туманга турли йилларда раҳбарлик қилган шахслар фаолияти қизиқарли фактлар билан ёритилган. Айниқса, Қорахитой қишлоғининг тарихи, бу ердан етишиб чиққан таниқли кишилар хусусидаги маълумотлар аниқ-равшанлиги билан ажралиб туради.

Мўмин Қаюмнинг китоб ва мақолалари тинимсиз изланиш ва уйқусиз тунлар меҳнатининг самараси эканлигини эътироф этган ва қадрлаган ҳолда китобдан китобга кўчиб ўтаётган айрим фактик ноаниқликлар хусусида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Мақола ҳажми кенгайиб кетмаслиги учун фикримизни муаллифнинг биргина «Биз сув ичган булоқлар» (Тошкент, 2003 йил) очерклар тўплами доирасида чегаралаймоқчимиз.

Мазкур тўпламда муаллифнинг аввалги асарларида кўзга ташланган умумий бир нуқсон мавжуд: барчага мактаб дарсликларидан маълум бўлган тарихий фактлар негадир чалкаштириб ташланган. Биргина Илоқ давлати тарихига оид талқинни олайлик. «Биз сув ичган булоқлар» китобининг 7-бетида ёзилишича, ҳозирги Тошкент қисқа вақт, яъни 998 йилдан 1070 йилгача қисман мустақил бўлган Илоқ давлати таркибига кирган эмиш. Муаллиф бу фаразини «сўнгги йилларда ёзилган айрим манбаларга кўра» деб изоҳлайди. Аммо бу нотўғри маълумот қайси манбада битилганлиги келтирилмайди.

Китобнинг ўша саҳифасини ўқишда давом этамиз: «Илоқ давлатининг пайдо бўлиши тарихини Табарий ўзининг «Хвайданамак» номли асарида милоддан аввалги XVII асрга боғлайди». Эътибор бераяпсизми, «Хвайданамак» асарини машҳур тарихчи Абу Жаъфар Муҳаммад бинни Жарир ат Табарий ёзган экан! Ҳолбуки, муаллифи номаълум «Хавайданамак» асарида Оҳангарон ёки Илоқ у ёқда турсин, Чоч-Тошкент ва унинг тарихи тўғрисида бирон сатр бормикин? Қолаверса, ҳозирги Тошкент вилояти ҳудуди тўғрисида Г.Большаков ва А.Халидовлар томонидан арабчадан русчага ўгирилиб, 1987 йилда Тошкентда «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган «История ат-Табари» китобида ҳам алоҳида бир фикр баён этилмаган.

«Бевосита Оҳангарон тарихи тўғрисида гапирадиган бўлсак, у ёзма манбаларда биринчи марта милоддан аввалги V-IV асрларда яшаган Табарийнинг «Хавайдакнома» номли асарида тилга олинади. «Хавайдакнома»да қайд этилишича, Оҳангароннинг ўрнида аввало Тункент давлати бўлиб, у милоддан аввалги XVII-XVI асрларга боғланади». (8-бет)

Қайси Табарий ҳақида гап кетаяпти, ўзи? Еттинчи саҳифадаги «Хвайданамак» асарининг номи саккизинчи саҳифада «Хавайдакнома»га айланди. Эрамизнинг 838 йили охирида ёки 839 йилининг бошида Табаристоннинг Омул шаҳрида туғилиб ўсиб, Марказий ва Жанубий Осиё халқлари тарихини ёзиб, ном қолдирган Абу Жаъфар Табарийдан бўлак эрамиздан аввалги «V-IV асрларда яшаган Табарий» фанга маълумми? У пайтда ҳали «Тарих отаси» — Геродот ҳам туғилмаган эдику?

Фикрий чалкашлик 9-бетда мана бундай давом этган: «Албатта, бундай катта давлат (Тункент давлати ҳақида гап кетаяпти — И.Ё.) бироз сусайган ва милоддан аввалги XIV-XIII асрларга келиб унинг ўрнида Банокат (?) давлати пайдо бўлади. Ундан кейинроқ эса пойтахти Банокат шаҳри бўлган қудратли Илоқ давлати пайдо бўлган. Илоқ давлатининг пайдо бўлиши милоддан аввалги XI-X асрларга тўғри келади».

Бу нима деган гап? Ўзбекистон тарихида Тункент, Банокат давлатлари бўлган деб қаерда ёзилган? Муаллиф тилга олган М.Е.Массоннинг «Ахангеран» (Тошкент, 1953) топографик очерки ва Ю. Буряковнинг «Археологические материалы по истории Тункента и Абрлыга» («Материалы по истории Узбекистана», Ташкент, 1963) мақоласида Олмалиқ шаҳрининг шарқида жойлашган Тункент харобалари X асрнинг охири ва XI асрнинг ўрталарида Илоқ давлатининг пойтахти, ундан юз километр ғарбда — Сирдарё бўйида жойлашган Банокат эса Қанқа давлатининг пойтахти бўлганлиги ёзилмаганми? Мўғуллар вайрон қилган Банокат кейинчалик Амир Темур томонидан машҳур Шоҳрухия ҳарбий қалъасига айлантирилганлигини мактаб ўқувчиси ҳам билади-ку! Мактаб ўқувчилари яна милоддан аввалги саналарда йирик рақамлар бизнинг эрамизга яқинлашгани сайин кичик рақамларга айланишини ҳам яхши билишади.Муаллифнинг талқинида эса тарихий воқеаларнинг оёғи осмонда келган:

«Янги эрадан олдинги биринчи асрдан бошлаб бу ерда Кангўй давлати пайдо бўлган. Кангўй давлати қудратли Қушон давлатининг ашаддий рақиби эди. Бироқ Кангўй давлати узоқ давом этмади ва унинг ўрнини милоддан аввалги IX-X асрларда буюк Илоқ давлати эгаллади. Тарихда Эфталийлар давлати номи билан машҳур бўлган Илоқ давлатига Чоч (Тошкент) ҳам бўйсинган» (таъкидлар бизники — И.Ё.).

Бу кўчирмадан шу маълум бўлаяптики, Кангюй давлати эрамиздан аввалги I асрда пайдо бўлиб, шундан саккиз-тўққиз аср аввал йўқ бўлган экан. Хуллас, мазкур парчадаги Кангюй, Эфталитлар ва Илоқ давлатининг мавжудлик саналари тарихий ҳақиқатга зид. Мана бу чалкашликларни ўқинг-а:

7-бетда: «Илоқ давлатининг пайдо бўлиши тарихини Табарий... милоддан аввалги XVII асрга боғлайди».

9- бетда: «Илоқ давлатининг пайдо бўлиши милоддан аввалги XI-X асрларга тўғри келади».

Ўзбекистон тарихи бўйича ёзилган илмий тадқиқот ва дарсликларда Ўрта Осиё ҳудудида пайдо бўлган энг қадимги давлатлар саналган Бақтрия, Парфия ёки Хоразм эрамиздан аввалги VII-VI асрларга тўғри келиши қайд этилган Илоқ давлати улардан ўн аср (минг йил) аввал пайдо бўлган экан-да! Нега буни тарихчилар шу вақтгача билишмайди?

«Биз сув ичган булоқлар»нинг кейинги саҳифалари хусусида мулоҳаза юритишдан ўзимни тияман. Аммо кўнгилда бир жиддий хавотир қолади. Муаллиф бу минг нусха ададдаги китобни Оҳангарон туманидаги бир қатор мактабларнинг ўқитувчилари ва ўқувчиларига тарқатган.

Китобнинг дастлабки саҳифасида: «Ўзбекистоннинг нуфузли қўлёзмалар институтларида, Шарқ қўлёзмалари сақланаётган даргоҳларда бўлдик, айрим манбаларни ўргандик, айрим манбалар ҳақида соҳа мутахассисларининг фикрлари билан ўртоқлашдик», деб ёзилган. Соҳа мутахассислари билан фикрлашилган қўлёзмани уларга лоақал бир ўқиб бериш учун тақдим этилганида, китобда бундай чалкашликлар бўлмасди, деб ўйлайман.

Қолаверса, китобга нима учун масъул муҳаррир ва мутахассис тақризчилар белгиланмаган? Унга муҳаррирлик қилган ходимнинг ўзи ҳам тарих фанлари номзоди эди-ку!

Ҳомий ва маблағ топган муаллиф асарлари кўз юмиб чоп этилаверса, оқибати нима бўлади? Ёшларга Ватанимиз тарихини чаппа ўргатишга ҳеч кимга маънавий ҳуқуқ берилмаган. Бунга интилувчиларнинг йўлини тўсиш ҳар бир зиёлининг вазифасидир.

Исомиддин ЁРМАТОВ,
Тошкент вилоят Педагогика институти филология факультетининг декани, филология фанлари доктори.

ШЕЪРИЯТ МУХЛИСЛАРИГА ТУҲФА

Таниқли шоир Мирпўлат Мирзонинг «Сайланма» шеърлар тўплами нашрдан чиқди. Ундан ижодкорнинг турли йилларда яратилган, самимияти, фалсафий мушоҳадага бойлиги билан китобхонни ўзига ром этувчи сара шеърлари ўрин олган.

Шоир ишқ-муҳаббат туйғулари, бахт ва баҳор қувончини жўшқин мисраларда тараннум этади. Айниқса, Ватан ва Истиқлолни юксак мақомларда улуғлайди, она заминимиз, унинг меҳнаткаш ва очиққўнгил халқини меҳр ва садоқат билан куйлайди.

Тўпламга Мирпўлат Мирзонинг жаҳон шеърияти вакиллари ижодидан ўзбекчага моҳирона таржималари ҳам киритилган.

Китоб «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан чоп этилган.

ЎзА.

Бекажон

ЗУВАЛАСИ ПИШИҚ БЎЛСА

Ишлатиладиган масаллиқлар ва қориш усулларига кўра, пиширириқлар оширма хамир, қатлама хамир, тухум ва шакарга қорилган хамир, уваланадиган хамир, содали хамир, қайноқ сувга қорилган хамирдан тайёрланади.

Хамир тайёрлашда асосан буғдой уни, турли суюқликлар, шакар, тухум, ёғ, хамиртуруш, туз, зираворлар (ванилин, лимон ёки апельсин пўстлоғи) ёнғоқ, майиз, кўкатлар (қуритилган мева), мева эссенциялари, картошка крахмали ва бошқалар ишлатилади. Деярли барча пиширириқларга ёғ қўшилади. Агар ёғ кўпроқ қўшиб юборилса, хамир яхши ошмайди, маҳсулот пиширилганда эса, оғир бўлиб қолади. Қатиқ солиб қорилган хамир тез ошади. Қориш учун қуруқ сут, қанд ёки йирик шакар ишлатиладиган бўлса, улар аввал сувда эритиб олинади.

Ойшахон ЗОКИРОВА.

ҒОЛИБЛАР КОНЦЕРТДА ҚАТНАШАДИ

Яқинда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг Мухтор Ашрафий номидаги анъанавий ёш ижрочилар республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда вилоятимиз болалар мусиқа ва санъат мактаблари тарбияланувчилари ҳам иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритдилар.

Даставвал, Чирчиқ шаҳридаги 7-болалар санъат мактабида бўлиб ўтган вилоят танловида 64 нафар санъат ихлосмандлари ўзаро беллашдилар, улардан 27 нафари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан республикамизда ўтадиган анжуманга танлаб олинди.

Кўрик-танловнинг республика босқичи Успенский ҳамда Глиэр номидаги академик лицейларда ўтди. Унда вилоятимиз вакиллари Чирчиқ шаҳридаги санъат мактабининг ўқувчиси Андрей Хаминтов, шу мактабнинг олтинчи синф ўқувчиси Сардор Жумаев, Ангрен шаҳридаги 9-болалар мусиқа мактаби ўқувчиси Антон Пругло, Бекобод шаҳар мусиқа мактаби ўқувчиси Аъзамжон Аҳмедов турли ижрочилик йўналишлари бўйича биринчи ўринга муносиб деб топилдилар.

Шунингдек, қибрайлик Нодир Зоитов иккинчи, янгийўллик Нодира Раҳматова, қибрайлик Дима Белый учинчи ўрин эгаси бўлдилар.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари Болаларни ҳимоя қилиш куни ўтказиладиган гала концертда қатнашадилар.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ.

Тошкент вилоят Хўжалик судининг 2004 йил 30 мартдаги 705-сонли иши қарорига асосан, Оҳангарон шаҳрида жойлашган «Оҳангаронтемирбетон» очиқ акциядорлик жамияти банкрот деб эътироф этилган.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.
Шу муносабат билан кредиторлар «Оҳангаронтемирбетон» очиқ акциядорлик жамияти биносида 2004 йил 12 апрель соат 11.00 да бўлиб ўтадиган йиғилишга таклиф этилади.
Барча кредиторлар ваколатномалари билан қатнашиши шарт.
Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уй.
Маълумот учун телефонлар: 134-41-26, 132-07-05, 132-07-00.

«AGRO SARMOYA-OXANGARON» очиқ турдаги акциядорлик жамияти **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар бир ой муддат ичида 112-72-47, 133-81-48 рақамли телефонлар орқали қабул қилинади.

Чиноз туманидаги «Таъминотчи-Пахта» ОАЖнинг ходимлар бўлимига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«FORUZA» хусусий фирмаси ўзининг устав фондини 2000000 дан 365000 сўмга камайтиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-550. Адади 6437. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Умиджон АБДУШОҲИДОВ.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 1 2 3 4 5